

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 26 iyul № 30 (515)

Sotuvda narxi erkin

СЕМИНАР ҲАҚИДА

Малайзия ҳукумати бундан етти йил илгари "Электрон давлати", "Суперкоридор мультимедиа" лойиҳалари номи билан амалга оширилган ишлари бўйича бугунги кунда элликдан зиёд фирма ва компаниялар фаол иш юритмоқда.

Тошкентдаги Интерконтинентал меҳмонхонасида Япониянинг NEC компанияси ва "PERNEC" қўшма корхонаси ҳамкорлигида малайзияликларнинг ушбу лойиҳаларини таништириш мақсадида тақдирот семинари бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва "Ўзбектелеком" АК ёрдамида

ўтказилди. Унда алоқа корхоналарининг раҳбар ва мутахассислари, турли вазирлик ва корхоналар, ташкилотлар ҳамда хорижий компаниялардан вакиллар иштирок этишди.

Семинарда NEC компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказorti бош ваколатхонаси бошлиғи жаноб Кавабата, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров, "PERNEC" қўшма корхонаси президенти жаноб Шахром ва бошқалар сўзга чиқиди.

Семинар қатнашчилари дунёдаги йирик компаниялардан бири — NEC корпорациясининг тажрибаси,

ишлаб чиқарган махсулотлари, дунёдаги маълумотлар билан таъинишчилар.

Тошкентда NEC иштирокида, «Malasya Multimedia Super Corridor» лойиҳаси асосида "Энг янги ахборот ва телекоммуникация технологияларининг жорий этилиши мавзусида ўтказилган семинар мазкур лойиҳа ҳамда уни амалга ошириш йўллари билан танишиш имконини берди.

Ушбу семинар қатнашчиларда қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз



Тошкент телефон-телеграф станцияси биноси

•Муносабат

РАҲБАРДА ЛАФЗ БЎЛМАСА...

Алоқа соҳаси — халқ ҳўжалиги, юртимиз фаровонлиги, Ватанимиз равнақи ва халқаро майдондаги салоҳиятининг янада юксалишига ўзига хос ўрин тутиб келмоқда.

Соҳа меҳнаткашларининг ҳаёти ва фаолияти менга яхши таниш. Шу боис ҳам турли қийинчиликларга қарамай тармоқда узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келатган фахрийлар, ривожланган давлатлар ўқув марказларида малака ошириб қайтган, замонавий, мураккаб техникани дадил бошқараётган ёшлар, нуфузли компания вакиллари билан ёнма-ён ишлаб, ўз билим ва иқтидорлари тудайла учрашганимиз керак эди. Учрашув жойини эшитиб хурсанд бўлдим. Агентлик биноси олдида учрашганимиз керак эди. Учрашув жойини эшитиб хурсанд бўлдим. Агентлик биноси олдида учрашганимиз керак эди. Учрашув жойини эшитиб хурсанд бўлдим. Агентлик биноси олдида учрашганимиз керак эди.

Афсуски, яна ўша ҳолат қайтарилди. Бу сафар А.Эшонхўжаев қандай баҳона топаркин — ўзларига ҳавола. Мен эса учрашув жойига соат 6⁰⁰ да келганимча 9⁰⁰ гача кутиб ўтирдим. Яхшики Агентлик олдида бемалол ўтиришди ва "Чирком" қўшма корхонаси бош директори Асрор Эшонхўжаев билан телефон орқали шу хусусда гаплашиб олдим. У кишининг таклифига биноан 16 июл куни, эрталаб соат 7⁰⁰дан 7³⁰ гача метронинг "Буюк ипак йўли" бекатидан бироз нарироқдаги собиқ "Севостопол" кўчаси олдида учрашганига келиндик. Аниқроғи, раҳбар Тошкентдан Чирчикқа хизмат машинасида ишга бораётиб мени шу ердан олиб кетадиган бўлди. Хар эҳтимолга қарши машинанинг русуми, унинг давлат рақами ва ҳайдовчисининг

исмини сўраб, ён дафтарамга ёзиб қўйдим.

Белгиланган жойга вақтидан илгари етиб келдим ва елкада сумка билан А.Эшонхўжаевни кута бошладим. Соат 8⁰⁰ бўлди. Раҳбар айтган машинанинг қораси ҳам кўринмади. Чирчикқа қатнайдиган машиналарда кетаверай десам, "Чирком"ни топа оламанми, тополган тақдиримда ҳам унинг раҳбарини иш жойида учратга оламанми йўқми дея иккиланиб, шаштимдан қайтдим.

"Чирком" раҳбари янги учрашув таклиф этдилар. Шунга кўра, 22 июл куни эрталаб 7⁰⁰—7³⁰ларда Агентлик биноси олдида учрашганимиз керак эди. Учрашув жойини эшитиб хурсанд бўлдим. Агентлик биноси олдида учрашганимиз керак эди.

Афсуски, яна ўша ҳолат қайтарилди. Бу сафар А.Эшонхўжаев қандай баҳона топаркин — ўзларига ҳавола. Мен эса учрашув жойига соат 6⁰⁰ да келганимча 9⁰⁰ гача кутиб ўтирдим. Яхшики Агентлик олдида бемалол ўтиришди ва "Чирком" қўшма корхонаси бош директори Асрор Эшонхўжаев билан телефон орқали шу хусусда гаплашиб олдим. У кишининг таклифига биноан 16 июл куни, эрталаб соат 7⁰⁰дан 7³⁰ гача метронинг "Буюк ипак йўли" бекатидан бироз нарироқдаги собиқ "Севостопол" кўчаси олдида учрашганига келиндик. Аниқроғи, раҳбар Тошкентдан Чирчикқа хизмат машинасида ишга бораётиб мени шу ердан олиб кетадиган бўлди. Хар эҳтимолга қарши машинанинг русуми, унинг давлат рақами ва ҳайдовчисининг

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

НАЗОРАТЧИЛАР КЕНГАШДИЛАР

Давлат алоқа инспекциясининг барча ходимлари жорий йилнинг биринчи ярим йиллик иш фаолияти якунларини корхона қўшма Кенгашида қўриб чиқиб муҳокама этиш, ўқув-семинар машғулотларида қатнашиш ва ишга янги қабул қилинган ходимларни аттестация синовларидан ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрида тўпландилар.

Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ўринбосарлари иштирокида белгиланган Дастур асосида ўтказилган ўқув-семинарда почта алоқаси бўлимларини, матбуот тарқатиш фаолияти билан шуғулланаётган субъектларни, телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш ва қўриш бўйича хизмат кўрсатаётган субъектларни текшириш тартиблари, метёринг ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш тартиби ҳамда IP-телефония хизматлари, CDMA стандарт урили алоқа тизими ва бошқа мавзуларда Давлат алоқа инспекцияси бўлимлари раҳбарлари ва мутахассислари — А.Иванова, Н.Соатов, Ю.Далажонов, М.Абдуразақова, А.Худоберова, О.Бегалиев ҳамда Ф.Усмоновларнинг маърузалари тинланди. Маърузалар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Давлат алоқа инспекциясининг компаниялар раҳбарияти иштирокидаги қўшма Кенгаши

да Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров ҳамда "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Аллаев, бош директорининг молиявий ишлар бўйича ўринбосари Т.Иминов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори ўринбосари Р.Тургунов, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори ўринбосари Т.Кузнецовлар қатнашдилар. Қўшма Кенгашнинг Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ф.Зиёев олиб борди.

Кенгаш кун тартибига қуйидаги масалалар қўриб чиқилди:

- почта алоқаси бўлимларини телефонлаштириш борасида олиб борилган ишлар натижалари;
- почта алоқаси бўлимлари орқали телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш даражаси;
- телекоммуникациялар хизматлари учун тўловларни почта алоқаси корхоналари орқали йиғишни ташкил этиш;
- хар бир туман марказларида маълумотлар узатиш — Интернет хизматлари кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш;
- матбуот тарқатиш хизматини кўрсатаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш натижалари.

Ушбу масалалар юзасидан Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ф.Зиёев ва унинг ўринбосарлари — А.Маннапова, С.Авганбоев, "Ўзбек-

телеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Аллаев, бош директорининг молиявий масалалари бўйича ўринбосари Т.Иминов, Ўзбекистон почтаси ДАК бош директорининг ўринбосари Р.Тургуновларнинг ҳисоботлари ва вилоят, шаҳар, Давлат алоқа инспекцияси бўлимлари бошлиқлари — Ж.Муродова, Л.Чуб, Х.Мамедовларнинг ахборотлари тинланиб, муҳокама қилинди. Кенгаш ишида қўрилган масалалар қатори соҳада Давлат тилининг

ҳалигача камчиликларга йўл қўйиб келганига таъкидланганлиги танқид қилинди. Жумладан, собиқ Иттифоқ давридан қолган иш юртиш қоғозлари (бланкалар) ҳамон жойларда эътиборсизлик туфайли ишлатилиб келинмоқда.

Кенгаш ишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров нутқ сўзлаб, олиб борилган иш натижаларини чуқур таҳлил қилиб, танқидий баҳоланди ва Давлат алоқа инспекциясига, компанияларга тегишли долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Кенгаш сўнггида қўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Э.МАТҚУРБОНОВ,
Давлат алоқа инспекцияси
Меъёрий ҳўжатлар бўлими мўҳлиси

ТЕЛЕФОНИМ ҚАЧОН ЯХШИ ИШЛАЙДИ?

Мен Иброҳимжон Мирзабадалов Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Ф.Кўчоров ширкат ҳўжалигининг "Ижтимоият" қишлоғида яшайман. Хонадонимда 46-1-79 рақамли телефоним бор. Лекин бу телефоннинг уч кун ишласа, ойлаб "соқов" бўлиб қолишидан безор бўлдим. Абонент ҳақи ўз вақтида тўланмаса ҳеч гап сўзсиз телефон узиб қўйилишига чидаса бўлади. Бирок нафақат вақтида, ҳатто келгуси ойллар учун ҳам ортиқча тўлаб қўйсаму теле-

фондан ёлчатиб фойдалана оламасам, бундай алоқа хизматидаман мамнун бўлиш мумкинми?

Бу ҳақда Олтинкўл филиал раҳбари Қодиржон Ёкубов ва шу соҳа мутахассисларига бир неча маротаба ёзма ва оғзаки мурожаат қилдим, ҳеч қандай натижа бўлмади. Оқибатда "Андижоннома" газетасининг 2000 йил, 4 октябр сонидида "Алоқаси йўқ алоқачилар" номли танқидий мақола чоп этилди. Шу кундан бошлаб телефоним 20 кун яхши ишлаб турди. Бирок бу хурсандчилик узоққа чўзилмади.

•Тахририятта хат келди

Тагин мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Тармоқ маъмурияти хар доимгидай алоқа кабеллари носозлиғини рўқча қилди. Хуллас, мен шикоят қилишдан чарчамайдиман, улар эса ваъда беришдан...

Олтинкўллик алоқачилар биз каби ночор аҳволда қолган миҳозларнинг арз-додига қачон қулоқ солишаркан?...

И.МИРЗАБАДАЛОВ,
Андижон вилояти,
"Ижтимоият" қишлоғи

Маълумки, 1957 йилнинг 4 октябрыда собиқ Иттифокда дунё миқёсида биринчи Ер сунъий йўлдоши учирилди ва бу билан ер шарининг исталган бурчага ядро қуролини етказиш мумкинлиги исботланди. Мажрў ҳолат дунёнинг йирик мамлакатларини, айниқса АҚШни қаттиқ ваҳимага солиб қўйди. Шу йили Америка президенти Дуайт Эйзенхауэр Мудоаа вазирлиги қўшида махсус агентлик ташкил қилиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Шунга мувофиқ бу агентлик Истиқболли илмий лойиҳалар бўйича агентлиги деб аталди. Унинг вазифаси АҚШнинг бутун дунёда қурол-яроғ бўйича устунигини таъминлаш эди. Агентликка мамлакатнинг кўзга кўринган йирик олимлари йиғилди. Натижада 1959 йил, март ойида биринчи Америка сунъий йўлдоши учирилди. 1960 йилдан бошлаб Ис-

1971 йилнинг бошларида тармоқ АҚШ университетлари бўйича 23 та уланган нуктани бириктириш 15 боғламдан таркиб топан эди. 1972 йилда бўлиб ўтган компьютер ва алоқа тизимлари халқаро конференциясида тармоқнинг 40 мамлакатга ўзаро боғланиши кўрсатилди. Шу йили Стенфорд университети профессори Винтон Кирф раҳбарлигида тармоққа ишлатишга мўлжалланган протоколлар мажмуаси яратилди. 1973 йили тармоққа Англия, Норвегия мамлакатларидаги машиналар уланди ва Гавайя университети билан йўлдош алоқаси ўрнатилди. Том маънода тармоқ Халқаро тармоқ маконини олди. 1977 йили анча тақомиллашган протокол ишлаб чиқилди.

АҚШ Мудоаа вазирлиги 1983 йилдан бошлаб стандартлар ишлаб чиқилди ва ундан мақсадли фойдаланишга эътибор бериш учун махсус бўйруқ чиқарди. Натижада ло-

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ВА ИНТЕРНЕТ

тиқболли илмий лойиҳалар бўйича агентлик иш фаолияти компьютер ва коммуникация технологиялари билан шуғулланишга қаратилди. Асосий мақсад — компьютер тармоқларининг тақомиллашган мажмуасини яратиш эди. Қўйилган ишлар самараси сифатида, Интернет етди келди. Шундай қилиб, космик училар дастурига жавобан АҚШда олимлар, муҳандис-техникларнинг фаол сай-ҳаракатлари тўғрисида Интернет яратилди. Энди икки оғиз сўз унинг тарихи тўғрисида.

1962 йилнинг бошларида АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги махсус бўйруғига биноан компьютерлар тармоғини яратиш борасида қўйилган ишлар тўғрисида ҳисобот тайёрланди. Ҳисоботда коммуникация тизимларининг турли-туман моделлари, ўзаро муносабатлари ва ишлаш жараёналари қайд этилган. Илмий тадқиқотлар асосида тенг ҳуқуқли мустақил боғламлардан ташкил топан тармоқ яратиш гоёси ётарди. Мустақил боғламлар ахборот қабул қилиш, уларга ишлов бериш каби амалларни бемалол бажариши лозим бўлади-ган ҳолатлари ҳамда боғламлардан айрилари ишдан чиққан пайтда ўз имкониятларини сақлай олишлари назарда тутилган эди. Шундай боғламлар ўртасида махсус белгилар орқали алоқа боғлаш хонасида илк тақриблар 1969 йилда ўтказилди. Худди шу йили Массачусетсдаги ТХ-2 компьютери Калифорниядаги Q-32 компьютери билан телефон линияси орқали боғланди. Ўтказилган тақриблар ва олинган ҳулосалар 1969 йилда бўлиб ўтган компьютерлар бўйича симпозиумда маълумотлар тўпламини узатиш миллий тармоғини яратиш режасини кўтариб чиқиш имконини берди. Теъдани янги умумлашган тармоқ яратиш режаси матбуотда эълон қилинди. Тармоқнинг илк бор уланган боғламларида энг янги техника ва технологиялар — процессор, ўзаро алмашув дастур ва протоколлари қўйилди. Шундай қилиб, тармоқ ва янги амалий тизимдан биргаликда фойдаланиш ишларига пойдевор қўйилди.

Ж.САИДУРОДОВ тайёрлади

ЎЗ ЧИЛЛАСИ — ДАМ ОЛИШ ПАЛЛАСИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Ўзбектелеком» АК таасаруфидида «Алоқачи» болалар оромгоҳида мавсумнинг 2-босқичида алоқачиларнинг 410 нафар фарзандлари ҳордик чикармоқда. Уларнинг дам олиш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Беминнат қуёш нури ва тоғнинг зилол сувлари болалар соғлигини тиклашда ёрдам бермоқда. 420 ўринга мўлжалланган саришта оромгоҳ ошхонасида Абдували Жалилов бошчилигидаги тўрт нафар ошпазлар дам олувчилар учун лаззатли таомлар пишириш пайида жон куйдиarmoқда.

Ўн уч тарбиячи бошчилиги-

даги ўн уч гуруҳга жамланган болаларнинг ҳар бири учун кунига 1175 сўм ёки 555202 сўмлик маҳсулот сарфланар экан. «Болакачларимиз», — дейди оромгоҳ бошлиги Баҳодир ака Мирзааҳмедов, — оксигла бой гўшт, тухум, сут каби маҳсулотлардан тайёрланган таомлар билан бирга сервитагин, боғ ва полиз нёсматларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Дам олувчилар сафида Хоразм вилояти алоқачиларининг 52 нафар фарзандлари ҳам таътилни мароқли ўтказмоқдалар. Улар яратилган шароит ва ҳодимлар хизматида мамнун бўлишмоқда.

М. ТУРҒУНОВ

Технологиялар тобора ривожланиб, тақомиллашув бораётган бир пайтда кўрсатилмаётган хизматлар сифати алоҳида аҳамиятга эга. Истеъмолчилар узоғи яқин, ёқини энгил қилинса, юқори даражада сифатли хизмат кўрсатилса ва улар бундан мамнун бўлишса демек биз олдимизга қўйган мақсадларга эришган бўламиз.

Давлат алоқа инспекцияси Худудий таркибий бўлинмалар томонидан телекоммуникациялар соҳасида жорий йилнинг ўтган олти ой мобайнида ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича берилган кўрсатмаларнинг бажарилиши таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди.

“Бухоро Телеком” филиали, Жондор туманида шахта биноси таъмирланди, битта ТПП-400х2 магистрал кабелни ҳаёо сарфи бўйича метёрига келтирилди. Варашло қишлоқ АТСи хоналарининг деразаси ойналари янгиланди, 11 нафар монтерлар янги иш қуроллари ҳамда бир қисм қонуний ва метёрий ҳужжатлар тўплами билан таъминланди.

Қоровулбозор туманида носоз КСУ қурилмаси ва захирадаги ВУТ-31/250 ишла туширилди, дизель агрегати аккумуляторлари алмаштирилди ва метёрида ишлатиш таъминланди. Фуқаролар музокаатларини қайт қилиш китоблари йўриқнома талаби асосида ташкил қилинди.

Когон туманида утга шахарлараро таксофонлар темир йўл вокзали биносида ўрнатилди. Луистон ширкат ҳўжалигида ишламай турган АТС ишта туширилиб, марказий АТС билан боғловчи линиялар сони иккиталдан 15 тага кўпайтирилди, қириш эшиги темир панжара билан қопланди, абонентлар сони 29 тага етказилди, тўртта авария ҳолатидаги кабелдан биттаси метёрига келтирилди. Иккита АТС дизель агрегати аккумулятор билан таъминланди. Навоий, Дўстлик ва Мичурин қўчаларида алоқа линиялари жорий таъмирдан чиқарилди. Бўстон ширкат ҳўжалигининг Қорағета ҳамда Чорхона қишлоғида борувчи алоқа линиялари метёрига келтириб қўйилди.

Пешку туманидаги текшириш

жараёнида тарқатувчи шкафлар рақамлаб чиқилди ва улардаги синализациялар ишта туширилди, тўртта хавфли кесимчалар бартараф этилди, дизель агрегатининг тутун мури-си таъмирланди ва профилактика ишлари амалга оширилди, оптика материаллар олинди дизел хонаси тартибга келтирилди, Ўзбекистон қўчаларида.

ЭЪТИБОР ВА ТАЛАБЧАНЛИК АЛОҚА ХИЗМАТИ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

сидаги алоқа линиялари жорий таъмирланди. Зандани, Ибн Сино ширкат ҳўжалиги АТСларидаги носоз ИП-60 ўлчов асбоблари тузатилиб, ишта туширилди.

Бундай мисоллардан кўриниб турибдики, Давлат алоқа инспекцияси кўрсатган камчиликларни “Бухоро Телеком” филиали раҳбарлари эътиборга олиб, уни бартараф этиш чоралари билан белгиланмоқдалар ва бажарилишини таъминлашга эришмоқдалар.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали Тахياتош, Хўжайли, Қўнғирот, Мўйноқ телекоммуникация тармоқларида линия-кабел қурилмаларини паспортлаштириш, иш ҳўжатларини йўриқнома талаблари асосида юритиш қорхона буйруғи билан масъул ҳолимга юклатилди. Ҳозирги кунда линия-кабел қурилмалари тўлиқ паспортлаштирилган. Хўжайли тармоғининг утга АТС биносига 20 метри юқори қучанишдаги кабел тортилиб, иккита энергавод ишта туширилди. 4-АТС, Тўртқўллаги 2, 3 АТС кабел шахталари таъмирланди, кабеллар тортилиб, тартибга келтирилди. Тармоқда битта йўналишда жами 35 метр катта сизимдаги магистрал кабеллар, иккита йўналишда жами 100 метр кичик сизимдаги тақсимлаш кабеллари алмаштирилди. 19 та йўналишда тақсимлаш линияларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилиди. Қўнғирот тармоғида иккита йўналишда ТПП-400х2 магистрал кабел таъмирланди, ДХБотга қўйилган. Акжинеёз, Дўстлик, Қизил-жар жамoa бўлагидида боғланиш линиялари, 50 та устулар таъмирланди. Акжинеёз жамoa ҳўжалигида утга йўналишда тақсимлаш кабелнинг ўн та муфтаси таъмирланди. Тўртқўл тармоғида тарқатиш шкафлари, кроссировка симлари тартибга келтирилган, бўлган, тагига бетон қўйилган. Магист-

● Таҳлил

рал кабелларининг муфталари ва ТПП-400х2 магистрал кабел таъмирланди. Шуманай тармоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Автоқасал ва бозорда иккита таксофон ўрнатилди. Тахياتош, Мўйноқ ва Шуманай шахар ва қишлоқ телефон тармоғида бирламчи ҳисобларнинг юритилиши йўлга қўйилган.

“Қорақалпоқ Телеком” филиалига берилган кўрсатмаларнинг қуйидаги бандлари бажарилмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Филиал ҳисобидидаги барча ўлчов асбоблари метрология текширувидан, Шуманай филиалида монтерларнинг шахсий ҳўмия воситалари лаборатория синовида ўтказилмаган. Иш жараёнида қўйиланган асосий метёрий ҳўжатлар билан тўлиқ таъминланмаган. Нуқус шарҳидаги қорхоналарда ақолига хизмат кўрсатиш жойларида реклама, маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш ишларида эътибор бўлмаган. 2002 йил, 1 январдаги ҳолатга кўра 174 та хавфли кесимчалардан фақат 55 таси бартараф этилган, қолган 119 таси зарур материал ва симлар билан таъминланмагани сабабли бартараф этилмаган.

Бунга ўхшаш камчиликлар фақат юқорида номлари зикр этилган қорхоналаридан эмас, балки республикамизнинг бошқа қорхоналарида ҳам маълум.

Қўриниб турибдики, баъзи қорхоналар раҳбарлари Давлат алоқа инспекцияси томонидан берилган кўрсатмалар билан чуқур танишмаслиги, таҳлил қилиб, сабабларини аниқлаб, бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни белгиланмаслиги натижада ишдаги камчиликлар қайта текшириш вақтида яна ошқор бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча, юқоридидаги каби камчиликларга йўл қўймаслик учун жойлардаги раҳбарлар маъсулиятини ошириш лозим. Шундангина қўланган натижага эришиш мумкин бўлади.

Муҳаммад АБДУРАЗЗОҚОВА,

Давлат алоқа инспекцияси телекоммуникациялар бўлими 1-тоғлини муҳандиси

● Мустақиллиқнинг 11 йиллиги олдидан

ШАҲАРЛАРАО СЎЗЛАШУВ ШАҲОБЧАСИДА

Деновда рақамли телефон станцияси ишта туширилган, маҳаллий аҳолининг имконият доираси янада кенгайди. Улар дунёнинг исталган бурчаги билан дақиқа ичида гаплашишмоқда. Кейинги пайтда қўшимча шаҳарлараро сўзлашув шаҳобчалари ишта тушириллаётгани қулайликлар қўламини тубдан яхшилади.

Биз “Қамолдин” дўконидида жойлашган шаҳобча мижозлар гавжумлигини кўрдик. Уларга Мурод Норматов хизмат кўрсатаётган экан.

— Бу ерда тўрт нафар киши хизмат қилмоқда, — дейди М.Норматов. — Мижозларга шаҳарлараро гаплашувнинг қўлаб турларини тақдим этмоқдамиз.

Ҳамроҳимиз, Денов филиали раҳбари Бахтёр Шойназаровнинг билдиришича, йил якунига қалар шундай шаҳобча туман марказий шифохонасида ва темир йўл вокзалида ҳам очилди. Бу каби амалий ишлар ва иланишлар эвазига олинаётган даромад саломини икки баравар ошириш мўлжалланган. Айни пайтда ўз телефонига эга бўлган мижозлар сони 4 минг нафарга етказилди.

— Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли, — дейди Бахтёр ҳозирги дориломон қунарга шуқро-натик билдиран экан. — Қарийб ўн йил ичида алоқа тизими ҳам жаҳон андозлари измига тушди. Агар истиқлол бўлмаганда бутунги кенг имкониятлар қайда эди, дейсиз!

Филиал раҳбари йўл-йўлакай Ўзбекистон-Индонезия қўша қорхонаси дастурида фаровонлик мақсадлари қўланганлигини эътироф этаркан, Эргаш Хўжамуров, Шўхрат Маълиев, Хўраам Раҳимов каби малакали мутахассислар ҳақида қувониб гапирди.

Н. ЗИЁЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз

● “ХАВАР” ҚАНДАЙ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗ?

ФИКРЛАРИМИНИ ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Алоқачилар нашри “Хавар”нинг ҳар бир сонини қизиқиб ўқиб бораган. Унда чоп этилаётган мақола-лар, хаварлар ҳар бир алоқачи учун қизиқарли эканлигини таъкидлаб ўтишининг ҳолати бўлмаса керак. Газетанинг муҳлиси сифатида қуйидаги фикрларни баён қилмоқчимиз.

1. Биз республикамизнинг турли вилоятларидаги алоқачилар ҳаёти, улар амалга ошираётган ишлар ҳақида билишга жўла-жўла қизиқамиз. Агар газетда маълум бир ҳудуд алоқачилари эришаётган ютуқлар, ушбу ютуқларга сабаб бўлаётган омиллар тўғрисида имкон қалар қўпроқ мақолалар бериб берилса нўр устига аъло нўр бўларди. Биз ҳам улар олиб бораётган ижобий ишларни ўрганиб, ўз камчиликларимизни бартараф этардик ва мижозларимизга сифатли хизмат кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилардик.

2. “Хавар”да янада танқидий материалларни қўпроқ чоп этиш лозим. Иш бор жойда камчилик бўлганидек, алоқа соҳасида ҳам муаммолар етарли. Мажрў муаммоларни ҳал этиш тўғрисида мутахассислар билан ҳамкорликда қишқар қилинса соз бўларди.

3. Халқимиз сўйган, ардоқланган санъаткорлар, та-ниқли шахслар билан (ўқувчи учун қизиқари бўлган, масалан, қайси уяли алоқа компанияси хизматидан фойдаланишни, охириги марта қимга ва қанчон таъ-ганлиги ёки олганлиги ҳақидаги саволларга жавоб берадиган) суҳбатлар уюштирилса.

4. Газета саҳифаларида молиявий масалаларга ҳам кенг ўрин ажратиш керак. Чунки алоқа соҳаси бевосита иқтисодиёт билан боғлиқдир.

5. Сўнги тақдирим, “Хавар” ҳафтада бир марта чоп этилиши. Шунинг учун унинг бир саҳифасини теледас-турларга ажратиш масаласини ўйлаб кўриш лозим.

Қамбарали ЮСУПОВ,
“Фарғона Телеком” филиали
Ушқўрлик телекоммуникациялар
бўламаси катта ҳисобчиси

ТИРИКЛИК БУЮК ҲИҚМАТДИР

• Турмуш
чорраҳаларида

Болаликдаги бегубор, бетакорр хотиралар умр дафтарининг ўчмас сазифалари. Улар гоҳо хотира уммонидан юзага қалқиб чиқиб қолади. Эсимда, бир кун (янглишмасам, ўшанда етти-саккиз ёшли болакай эдим) одамлар қишлоқ кўчасидан тобут кўтариб кетишадиганини кўриб, ўртоғим билан беихтиёр уйиндан тўхтаб қолдик. Мендан бир-икки ёш каттароқ бўлган, билангирок ўртоғимдан ноғох сўрадим:

— Нимани кўтариб кетишадиган?

— Ўлиқни...

— Ўлик? Қанақа ўлик?

— Э, тентакисан ўзи? Тобутда кимнинг ўлиги бўларди — одамнингда!

— Ие, одам ҳам... ўладими?

— Шуням бидмайсанми? Албатта ўлади-да!

— Йў-э? Унда сен ҳам... мен ҳам...

— Ҳа, ҳамма бир кун бориб ўлади!

Ўртоғимнинг бу оддийгина, тўпори гали худди менинг устидан чиқарилган шафқатсиз ҳукмдай янгради! Мурғак қалбим бирдан гаш тортиб қолди. Чунки мен ўлишни сира-сира истамасдим-да! Бу кўҳна дунёнинг "Ўлим ҳақи" деб аталмиш ағчик ҳақиқатини илк бор ана шунда англаганман!

Онамнинг ҳаяжон қилишича, оғрим чиқиб, эндигина чопқилаб юра бошлаган кезларимда

мени худо асраб, нақ бир ўлимдан қолган эканман. Саид бобомнинг кенг боғ ҳовлисида ўйнаб юриб ариққа юмалаб тушибман, бахтимга кўйлагимнинг бир чети кўприк чўпига илиниб қолибди, яна бахтимга шу лаъза бобом-келиб қолиб, мени сувдан — нақ ажалнинг оғзидан кутқариб олибди. Ажабо, ўшанда кўйлагим чўпга илинмаганда (кўйлак-сиз-иштонсиз юрадиган палла!) ёки бобом келиб қолмаганда нима бўларди?..

"Ўлим билан юзма-юз келди" деган иборани кўпгина китобларда, эртақларда ўқиймиз. Аммо ҳаётнинг ўзи гоҳо қутилмаган воқеа-ҳодисалар, тасоҳифлар ва буларнинг замиридаги ҳақиқат ҳам илгав олавермайдиган ажиб ибрат-ҳиқматлари билан ҳам ҳайратлантирилади.

Ўсмирликда оғир хасталаниб, дўхтирларнинг савий-ҳаракати ва ўзимнинг ҳаёти бўлган кучли иштиёқ-муҳаббатим туфайли соғайганман. Кейинчалик икки марта электр токи уриб кетишига бир баҳа қолган. Бир гал катта кўчани кесиб ўтаётганимда юқори тезликда келаётган машина уриб кетган. Бу сафар ҳам тегирмондан бутун чиққанман.

Хуллас, умримнинг баҳори ва ёзида неча бор ўлим билан тўқнашган бўлсам, ҳар гал оллоҳ мени омон сақлаётган. Шоир айтганидек, "Инсон ўлса ҳам ёлғиз ўзи ўлмайди", шу боис яқинларимнинг бахтига жоним ёнимга қолаверган. Демак, мен энди инсонга бир марта

берилдиган ҳаёт деб аталмиш улуг нъматнинг қадрига етишга, ўша яқинларимнинг ҳам орзу умидлари ушатишга бурчли эканман.

Ёш улғайиб, дунёнинг пасту баландини, оқу қорасини билгандан кейингина ўлим ҳақида сесканмай, бамайлихотир гапирадиган бўлдим. Айни чоғда фақат ўлим туфайлигина онгу шууримизга, тафаккуримизга етиб борадиган шафқатсиз ҳақиқатларни, ҳиқматларни англай бошлаймиз. Яқин таниш-билишлар, қариндошлар, ёру биродарларнинг вафотини эшитиб, афсус-наломат ила нола қиламиз: Ўйрай, ахир кечагина соппа-соғ юрдуки-ку?!

Ҳа, ўлим ҳақ, аммо уни ҳазм қилиш, унга кўникиш қийин. Айниқса, яқин одамнингдан жуло бўлишдек оғир мусибатга чидаш осон эмас. Бундай маҳалда бандасига оллоҳдан сабуру қаноат, қолганларга узоқ умр тиланиди.

Буюк одамларнинг буюқлиги, улуғлиги кўпгина улар бу фойил дунёни тарқ этганларидан кейингина маълум бўлади дейишди. Бу эътирофда жон бор, албатта. Зеро, тарихда бунга мисоллар кўп. Айни чоғда ҳар қандай хом сут эмган банданинг кимлиги, қандай одам бўлганиги у ўтандан кейин янада яхшироқ аниқлиниши ҳам ҳақиқатдир.

Бундан олти-етти йил муқаддам ажойиб инсон, ҳассос адиб Ёшубек Яқвалхўжаев (рахматли "Хавар" газетамизда ҳам маълум муддат хиз-

мат қилганди) тўсатдан вафот этиб, ўз яқинларини доғда қолдириб кетди. Тўғри, ҳаётда кўп қийинчилик-машаққатларни бошдан кечирган, камтар-камсуқум, дилкаш, самимий инсон бўлган Ёшубек ака буюқликка даъвогар бўлмасда, ўзидан яхши ном қолдирди. Камини у эшик билан жула яқин эдик. Унинг бевақт вафотини узоқ вақтга ҳазм қилолмай юрдим. Яқин одамнингдан жуло бўлиш қанчалар оғир мусибат эканлигини шундагина билдим.

Биз — Ёшубек ақанинг яқинлари раҳматини кўп эслар, унинг илгари ўзимиз билмаган ёки билмас ҳам яхши эътибор бермаган фазилатларини қайта-қайта кашф этар эдик. Ҳар бир масалада унинг ўз нуқтани назари, ўз фикри бор эди. Бирон-бир мавзуда баҳслашиб, тортишиб қолсак, "Раҳматли бўлганида шундай дер эди-я" дея унинг сиймосини кўз олдимизга келтирардик, гўё Ёшубек ака ўлмагандек, дўстимиз Мирпўлат Мирзо айтганидек, "Сизлар турунглашиб ўтира туринглар, мен ҳозир келаман" дея нариги хонага чиқиб кетгандек эди...

Ҳўш, бизлар ана шундай инсонни тирикчилигида (боёқши муҳожирлар ҳаётидан "Қайтар дунё" деган зўр бир асар ёзиб қўйиб, узоқ йиллар чоп эттиролмай, оворан сарсон бўлган эди) қадрига ета олдикми? Вафотидан сўнг (романларини яхлит ҳолда, битта муқова остида нашр қилиш ҳамон орқага сурилмоқда) унинг хотираси олдиданги бурчимиз-

ни бажаролапмизми? Бу гаплар энди биз — тирикларга, бизнинг виждонимизга тааллуқлидир... Шоирнинг "Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, уни тиригида бир соат йўқланг" деган даъвати ҳам биз — тирикларга қаратилган.

Гоҳо ўтанданги эсларкамиз, бундан кўп йиллар муқаддам мактабда, институтда биз билан ўқиган ёки турли илораларда бирга ишлаган айрим синфдош, курсдош, ҳамкасбларимизнинг бугун орамизда йўқлигини билиб, юрагимиз орқага тортиб кетади. Инсон ҳаётининг кўзлагини ёшдек омонат эканлигидан ўқиймиз. Беихтиёр тирикликнинг буюк бир ҳиқмат эканлигини тан оламиз. Яратганга шукрона қиламиз. Шоирнинг ушбу мисраларни эса кўнглимизни жунбушга келтирарган тугёнларга ҳамоҳангдай жараанглайди:

Куй ажада узилмасин тор,
Шеър яримда синамасин қалам.
Янаб бўлмай умрини зинҳор,
Бу дунёдан кетмасин одам.

Қўлдан тушиб синамасин қалаҳ,
Лаб текканда тўқилмасин май.
Тўхтамасин уриб турган қалб,
Бошлаб қўйган қўшини битмай.

Шодмон ОТАБЕК

"ЛАТОФАТ СЕНИНГ ЎЗИНГА"

Шоҳ Филипп фессалиялик бир гўзални севиб қолади. Айтишларича, қиз уни афеун билан ўзига мафтун айтадиган эмиш. Шоҳ бу соҳибжамол висолига етишиш учун барча чораларни кўрди. Қизини унинг ҳузурига келтиришга қўрдики, у фақат гўзалгина эмас, балки дилкаш суҳбатдош ҳам экан.

"Афсун билан алланган деган гап ёлғон, — деб юборди Филипп шунда, — афсун ва латофат сенинг ўзингда экан".

Сукрот балбанаралар ўз хунуқлигини хушфеъллиги билан яшириши, гўзаллар ўз чиройини бадахлоқлик билан хира этмасликлари учун ёшларга кўпроқ ойнага боқушни маслаҳат берган. Турмуш қурган аёл агарда хунуқ бўлса, қўлига кўзгу олиб: "Шу ҳолимда нокантар, бадхулқ бўлсам қандай бўламан" дея, гўзал эса "Бунинг устига камтарин, хушхулқ бўлсам қандай яхши бўламан?" дея мулоҳаза қилса маъқул бўларди.

Афлотун кесаларга ёшлар олдида ўзларини камтарин тутишни маслаҳат берган. Шунда уларга ёшлар ҳурмат билан муносабатда бўлишди, деб ҳисоблаган файласуф. Чунки қерда кесалар беҳаё бўлса, у ерда ёшларнинг камтарин ва ҳурмат кўрсатадиган бўлишлари мумкин эмас. Шунини эсда тутиш жоизки, эр хотинига нисбатан камтарроқ бўлиши лозим. Зеро у хотини учун ҳушхулқ ёки енгилтақлик мактаби бўлиши мумкинлигини англаши керак.

Эрамизгача бўлган V-VI асрда қадимги Грецияда табобат билан леярли ҳамма шуғулланган. Агар бу ердан Гиппократ чиқмаганда орол дунёга машҳур бўлмаслиги мумкин эди.

Олим ҳаёти ҳақида маълумотлар жула кам. У оилада иккинчи фарзанд бўлиб дунёга келган, Фессал Ла-

ГИППОКРАТНИ БИЛАСИЗМИ?

риссда дафн этилган. Унинг ота-онаси табаррук инсонлардан бўлган. Бу авлодда еттига Гиппократ етишиб чиққан. Бизга маълум бўлган табии иккинчи Гиппократдир. У қўллаб-маълумотларга саёҳат қилгани сабабли шуҳрати ҳаётлигидаёқ дунёга таралган.

Машҳур табии умрининг охири йилларини Парижда ўтказган ва Демокрит билан бир йилда қазо қилган. Баъзи манбаларда у 83, баъзиларида эса 104 ёшда вафот этган деб ёзилган. Сайёҳлар эрамиздан аввалги II асрдан бунинг қабрини зиёрат қилиб туришди.

Гиппократдан қандай асарлар қолгани аниқланмаган. Чунки ўша даврдаги аниқлашга кўра қўлзма-ларга имзо қўйилмасди. Қадимги Грек табииларни тўплами Гиппократ вафотидан кўп йиллар ўтгач, эра-

мизгача бўлган III асрда Қохира кутубхонасида тузилган. Искандар Зулқарнайн вориси Птолемей ҳар томонга чопларлар юбориб, муаллифи номаълум қўлзмаларни йилдирган. Улар орасида қадимги грек тилида битилган тиббиётга "онд нодир қўлзмалар ҳам бор эди. Кейинчалик улар жамланиб, "Гиппократлар

мажмуаси" номи билан машҳур бўлади. Булар "Қасам", "Қонун", "Табиб ҳақида" ва "Ўғиллар"дир. Ушбу асарларга шифокорларнинг ахлоқий тарбияси ва уларга қўйиладиган талаблар, устозларнинг ҳурматини жойига қўйиш, бемор сирини сақлаш, хасталарни силқилдидан даволаш ва ўз вазифасини бегарез ало этиш, номақбул ишларга қўл урмаслик ва юксак ахлоқий талабларга риоя қилиш ҳақида гапирилади.


Шифокорлар қасами қанчон битилганини номаълум бўлсада, асрлар давомида у эллан-элга, даврдан-даврга ўтиб келган. Баъзи тахминларга қараганда у Гиппократга ҳам маъқул бўлган. Лекин "Қасам" "Гиппократлар мажмуаси"дан жой олгани учун уни "Гиппократ қасами" дейиш одат тусига кириб қолган.

Газетамизнинг 5 июль, 27 сониди чоп этилган бошқотирманинг жавоблари

ЭНИГА: 5. Акдиз. 8. Оттава. 9. Навоий. 10. Банот. 11. Айдахо. 13. Аломат. 14. "Она". 15. Измир. 16. Йўлчи. 22. "Алломини". 24. Сардоба. 26. Терак. 27. Фаргона. 29. Макарон. 31. Обуна. 33. Урчуқ. 36. "Мир". 37. Манила. 38. Лондон. 39. "Одина". 40. Панама. 41. "Алолат". 42. "Армон".

БЎЙИГА: 1. Экватор. 2. Ҳимолай. 3. "Отайўл". 4. Қамаш. 6. Ёввойи. 7. Фирван. 12. Олмош. 13. Атлас. 17. Албан. 18. Қовға. 19. Ҳирот. 20. Адрас. 21. Аббос. 23. Изн. 25. Аза. 28. Акула. 29. Мучал. 30. Ананас. 31. Оқибат. 32. Амурлар. 33. Уренгой. 34. Қўндоқ. 35. Арофат.

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 1. Чойнакнинг ўтмишдоши, қадимий рўзгор буюми. 5. Иккинчи дунёнинг муҳим соҳаси. 10. Виллоят маркази. 11. Тропик мева. 13. Холи ўртасига ёки четига унинг юзасидан баландроқ қилиб ишланган саҳни. 14. Ўзбекистон ёшларининг иккинчи ҳаракати. 15. Скандинавия ярим оролидаги давлат пойтахти. 18. Кавказдаги халқ (миллат), қарамаоник эпоси. 19. Молданинг муайян шароитдаги газетмон ҳолати. 20. Қўёш апрофида эллиптик орбита бўйлаб ҳаракатланувчи энг катта жисм. 23. Миллий спорт тури. 24. Аскада ишлаб чиқарилаётган автомобил. 28. Европадаги мамлакат пойтахти. 29. Қуруқликда ишловчи энг улкан ҳайвон. 30. Балиқ тури. 34. Ҳинди-хитойда жойлашган давлат. 35. Биринчи фазоир. 36. Ҳафтанинг муборак куни. 39. Битиларини тасдиқловчи, мерос ҳуқуқи ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштирувчи адилия илораси. 40. Сурхонар ёки виллоятидаги туман. 41. Телесериал. 42. Белги ва ҳусусиятларнинг наслдан-насла ўтиб тақорланиши.

БЎЙИГА: 2. Осиё қўлғасидаги мамлакат. 3. Музлатилган русуми (Россия). 4. "Темир хотин" кинофильмининг асосий қаҳрамони. 5. Хом-ашдан бўлган ва деталлар тайёрлайдиган дастгоҳ. 6. Эркин Воҳидов достони. 7. Самарқанднинг милоддан аввалги номи. 8. АҚШдаги шаҳар, штат маркази. 9. Ғарбий Африкадаги давлат. 12. Шоҳ, шонор ва тарихи, темирйўлларнинг сўғити вақти. 16. Еркинг Қўёш апрофида айланганини баёнлар қилган буюк ғалатдошлик, қомусий олим. 17. Ҳўқарй йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. 21. Исроилда мусулмонлар баҳарини лозим бўлган беш фаронинг бири. 22. Ҳўранлар тик туриб оқитилангандаги кичик ресторон. 25. Канададаги шаҳар. 26. Сўз туркуми. 27. Жанубий Америкада жойлашган мамлакат. 28. Меҳанс серпира, рашёнодошларга мансуб чапабута. 3. Шарқ фольклорига ҳажий латифаларда халқ қаҳрамони. 32. Пул ўрнига тўланган мол, махсуслот. 33. Енгил автомобил русуми. 37. Кўп торли чолгу асбоби. 38. Қозоник-тондиги дарё. Силардининг энг йрмоғи. Тузуви: Исмомл МУСО

МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
ФАКС: 136-36-42.
Habar@uzart.uzrak.uz
ИНДКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-673.
5434 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 160сма табак.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланган.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ

Мониторинг Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн тўрғуви: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАМОНОВ
Босишга топшириш вақти — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00